

МЕНИНГ ЖАДИД УСТОЗИМ

МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА ЖОНЛАРИНИ ФИДО ҚИЛГАН ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗНИНГ БЕНАЗИР ФАОЛИЯТЛАРИ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА, ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА. ХАТТО МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ВА УНДАН КЕЙИН ҲАМ ЖАДИДЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН ОЛИМЛАРИМИЗ, ЗИЁЛИЛАРИМИЗ, УЛАРНИНГ ИЖОДИ ҲАҚИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА СЎЗ ЮРИТИЛМОҚДА, КИТОБЛАР НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Шундай инсонлар борки, уларни узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ижод этган жадид боболаримизга менгаш мумкин. Изласак Ўзбекистонимизнинг исталган бурчагидан топа оламиз, фақат бунга кўп ҳам ҳафсала қилмаймиз...

Куйида ана шундай хизмати беминнат, таъбир жоиз бўлса, ўтган асримизнинг 60-70 йиллари жадидларидан бўлган, бугун ҳам салкам 90 ёшга кириб орамизда юрган мўътабар устоз – бутун умр ўз қишлоғида халқ хизматида бўлиб келаётган муаллим – Хидир Тўйчиев ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Хидир Тўйчиев 1936 йил Қашқадарё вилоятидаги Касби туманининг Пандирон қишлоғида туғилиб ўсган. 60-йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг Ўзбек филологияси факультетини тугатиб, она қишлоғига қайтиб борган. Қирқ йилдан зиёд вақт Касби туманидаги 26-мактабда ўқув ишлари мудир бўлиб ишлаган, она тили ва адабиёти, мусиқа фанларидан дарс берган. У киши университетда таниқли ўзбек олимлари Муҳсин Олимов ва Ҳайдарали Узоқов билан бирга таҳсил олганликларини фахрланиб сўзлар экан, университетда қолиб илмий иш қилиш имкониятлари бўла туриб, ота-оналарининг раъйини қайтара олмасдан

қишлоққа қайтиб кетганликларини айтиб юради.

Хидир Тўйчиевни биз мактабда «Тўйчиев муаллим» дер эдик. Бу табаррук устознинг энг кучга тўлган, серғайрат даврларида қилган хайрли ишларидан айримлари, ўзим билганларим ҳақида сўзлаб бермоқчиманки, шояд бугунги муаллимларимизни фикр қилишга ундаса...

Бизнинг Қашқадарёнинг Пандирон қишлоғига электр токи 1971 йилда келган. Ўшанда мен эндигина 1-синфни битираётган эдим. Шиша лампали керосинли чироқ нурида уйга вазифаларимни бажарганим, тун қоронғусида ташқарида фонус кўтариб юрганимиз ҳали ҳам ёдимда.

Ўша йиллар, аниқроғи, 60-йиллар охири, 70-йилларнинг бошлари, Қашқадарёнинг кўп қишлоқларига ҳали электр чироғи етиб келмаган даврда Хидир Тўйчиев ҳовлиснинг бир четида пахса лойдан бир кулба қуриб, ичида бир-икки тонна келадиған улкан дизель мотори ўрнатган ва ундан электр токи ишлаб чиқарган. Қишлоғимизда биринчи бўлиб «Рекорд» деган янги чиққан лампали телевизор олиб келган. Аҳоли, асосан эркаклар ва болалар у кишининг уйларида келиб ёзда ҳовлида, қишнинг совуқ кунларида эса кенг меҳмонхонасида тиқилишиб,

теледастурларни ҳайрат билан томоша қилишган. Бундан ташқари, Тўйчиев муаллим, қишлоғимизга илк радио, мотоцикл, автомобиль олиб келган ва келтирилган техникаларга шахсан хизмат кўрсатган, айрим запас қисмлар, жиҳозлар почта орқали келтирилишини ташкил қилган киши эканлигини ҳам яхши эслаймиз.

Тўйчиев муаллим кўп йиллар мактабда мусиқа тўгараги ҳам тузган, иқтидорли болаларни тўплаб бирига рубоб, бирига дутор, бирига доира чалишни ўргатар, ўзи эса ғижжакни қойилмақом қилиб чалар эди. Мен у кишидан дастлаб рубоб чалишни, 10-синфда ўқиётган пайтим аккордеон чалишни ўрганганман. Ҳатто, мактабда у кишини безор қилганимиз етмагандай, ёзда туш пайтлари, бошқа пайтлар кечқурунлари уйига ҳам бориб, мусиқа ўрганардим. Устозимнинг рафиқаси Яхшигул опанинги кўлларида мазали таомлар еганим ҳали ҳам эсимда. Менинг мусиқа санъатига қизиқишим, муаллим, тилшунос, таржимашунос мутахассис бўлиб етишишимда илк бор Тошкент шаҳрига олиб келиб рағбат берган азиз устозим Хидир Тўйчиевдан миннатдорман. Бир воқеа менга жуда таъсир қилган.

2000 йилларнинг бошларида Қашқадарёга борганимда Тўй-



чиев муаллимга илк нашрдан чиққан китобимни совға қилгани бордим. Шунда у киши менга бир неча китоб ҳадя қилди, бу китоблар орасида Ҳайбулла Саломов тўплаб, нашр эттирган «Таржима санъати» китобининг 1973 йилги нашри ҳам бор эди. Устоз бу китобни 1976 йил 7 мартда Косон шаҳрида дўкондан олганликларини ёзиб қўйган экан. Ўша пайт кўнглимдан нима ўтганлигини сўз билан ифодалашим қийин. Чунки диссертация ишимга бевосита зарур бўлган китобни пойтахтдан топа олмай, бориб устозим – оддий қишлоқ муаллимининг уйидаги китоб жавонидан топганимдан


чуқур ҳаяжонда эдим. Бундай инсонни қандай қилиб жадид демаслик мумкин?!

Устоз яқинда муборак 90 ёшини қарши олади. У кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ҳа, жадидлар ўтган асрда яшаб ўтиб кетишмаган, улар ҳар бир даврда бўлишган, эътиборлироқ бўлсак, уларни ёнгинамиздан топамиз...

Ҳайрулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари
доктори,
Тошкент давлат
шарқшунослик
университети профессори

ҚАЛБИМИНИ ЁРИТАР СИЗ ЁҚҚАН ЧИРОҚ...



КУЗНИНГ ШАМОЛЛАРИ ЭСЯПТИ ЯНА, ЮРАКНИ ЎРТАЙДИ АЖИБ ТУЙҒУЛАР, ЎТГАН ДАМЛАРНИ-КУ, КУЛИБ ЭСЛАРИМИЗ, КЕЛАЖАҚДА КУТАР БИЗНИ НИМАЛАР?

Билмасдим ҳаётни, ғамни, ташвишни, ҳатто қувонардим биров қайғурса, ўзимча шод бўлиб ўтган кунимдан, ўмбалоқ ошардим тепаликларда, шунда бари бирдан кетди ўзгариб, ҳаётимда пайдо бўлди бир сиймо, у сабаб танидим оқу қорани, ажрата бошладим дўстни душмандан, йиқилсам меҳр-ла турғазиб қўйиб, мудроқ қалбларимга таратди зиё...

Шу кундан яшашни ўргандим секин, ким кулса қувончи меники бўлди, ногаҳон қайғурса овутдим яна, йиғласа қўшилиб йиғлашим мумкин, ёши катталарга берардим салом, кичикни иним деб бағримга босдим, йўлларда қўшиқлар қилиб хиргойи, ҳар тонг мактаб томон югурдим, шошдим.

Мен ҳали билмасдим, бегона инсон, нега ўқи дея жон қуйдиришин, ҳатто тушунмасдим, битта сабоқни эринмай юз марта тушунтиришин, аммо ташлагандим, ҳис этдим аниқ, ўзимнинг энг ёмон одатларимни, ўйлаб ўйларимга етолмасдим лек, бундай меҳрибонлик сабабларини... Ёки кўрганмисиз, ўзи қойиб, сўнг йиғлаганингиздан ранжиганини, айтинг, билганмисиз сумкачангизга ширинликлар солиб сийлаганини? Қалбимни ёритадиз сиз ёққан чироқ, онамдай меҳрибон, отамдай азиз, хатоларим кўриб, қуянган лекин, нега ранжитсам-да қойимадингиз?

У Сиз эдингиз-ку, камтар, ҳокисор, наҳотки, айтмади бу ҳақда ҳеч ким? Шафқатсиз йилларга боримни бердим, юзимни тирнади содиқ дўстларим, мени ўзига энг яқини санаб, жар томон судради ишонганларим, шунда қадрингизга етгандай бўлдим, акс садо берди ўғитларингиз, қалбим меҳр истаб оғринган экан, соғинган эканман Сизни, муаллим!

Буни англашимга кўп фурсат кетди, бугун кўзимда ёш билан эслайман, ҳар тонг отар экан, сабогингизни, болалик пайтимни, Сизни қўмсайман!

Суҳбат қураяпман сиз билан ёлғиз, дилимдан кечгани ўзимга аён, айтган сўзларингиз бари рост чиқди: яхши-ёмон кунлар яшар ёнма-ён. Анча енгил тортдим, кўнглим исиди, ҳорғин вужудимдан ариди ғашлик, ўзимни кимгадир керак деб билдим, сизни эслатади мудом болалик... Аммо қийнар гоҳи ҳадсиз саволлар, ҳаёт меҳрибонлик қилмади Сиздай, берган саволларим бари жавобсиз, биров юз ўгирса чорлади бири, менимча, яшашнинг мантиғи шунда. Бироқ бугун ором олмоғим тайин, чунки ҳис этияпман меҳрибон тафтни, қадоқ қўлларингиз бағримга босиб... гоҳ дарёдай тошдим, учдим қуяндай, баъзан қушлар каби сайрадим, тиндим, кафтимни дуога очиб сўрайман, Сизга узоқ умр, ҳамда сўнмас бахт, қулоқ тутсангиз бас, азиз устозим, дилимда борини Сизга илиндим.

Боғларга хазонлар тўқилган яна,
умр ўтишини эслатяпти рост,
ечим тополмасам муаммоларга,
Сизнинг ёнингизга бораман, Устоз.

Танам зирқиради, қалбим қонади,
сочингизга қўнган қировни санаб,
улар тим қорайди ўшанда, аммо
ҳарфларни ўқирдим ҳали ҳижжалаб...

Шерзод АБДУШУКУРОВ